Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 4 февраль чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 25 (1806)

## ИСЛОМ КАРИМОВГА РУС ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИНИНГ ОЛИЙ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ



3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг Архиепископи Владимирни қабул қилди.

Архиепископ Владимир давлатимиз раҳбари тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан ютуқлари ҳамда 60 йиллик юбилейи муносабати билан Рус православ черковининг биринчи даражали "Москвалик тақводор княз Даниил" орденига сазовор бўлганини маълум қилди. Орденни Президент Ислом Каримовга топширди.

Ислом Каримов Рус православ черковининг олий даражадаги орденига муносиб деб топилгани учун Москва ва бутун Русия Патриархига миннатдорлик билдирди. Мазкур мукофотни Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик, шунингдек, турли миллат, дин ва мазҳабдаги кишиларнинг ўзаро тотувлигига берилган юқори баҳо, деб атади.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, А.Мансуров, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул этгайсиз.

Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги улкан масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

**Петар СТОЯНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент Каримов,

Мен юксак шарафга муяссар бўлдим, яъни Буюк Британия парламентининг Ўзбекистон бўйича Бутунпартия парламент гуруҳидаги ҳамкасбларим менга Сизни муборак 60 ёшингиз билан самимий табриклашни топширишди.

Биз Буюк Британия билан Сизнинг республикангиз ўртасидаги дўстона муносабатлар тобора ривожланиб бораётганидан хурсандмиз ҳамда бу билан фахрланамиз. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига равнақ тилаймиз.

Камоли эҳтиром ила,

**Виконт УЭВЕРЛИ,**
**Ўзбекистон бўйича**
**Бутунпартия парламент гуруҳи раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Таваллуд кунингизда Сизга самимий табрикларимни йўллаш ҳамда сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва ишларингизда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Сизга халқингиз ва мамлакатингиз равнақи йўлида яна узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиш насиб этсин.

Мен 1996 йил сентябрда Тошкентда бўлган суҳбатимизни мамнуният билан эслайман. Ўшанда Дойче Банк концерни билан Сизнинг мамлакатингиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир ижобий хулосага келган эдик. Айниқса, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан ҳамкорликда инвестиция масалаларига бағишланган конференция ўтказганимиздан кейин бизнинг жаҳондаги барча мижозларимизда Сизнинг мамлакатингиз билан иқтисодий алоқа ўрнатишга қизиқиш янада ортди. Мамлакатингиздаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлашга ижобий таъсир кўрсатаётган маблағларни бошқариш маҳорати Ўзбекистон хорижий фирма ва сармоядорлар учун ишончли мамлакат сифатида танилишига олиб келди.

Биз Ўзбекистон Гермес тизими бўйича энг ишончли гуруҳга кира олиши учун барча шарт-шароит мавжуд экани тўғрисида якдил фикрда эдик. Гермес томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг давлат кафолатларисиз кредит олишга қодир, деб эътироф этилиши биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки натижаси, деб биламиз.

Мен имкон туғилиши биланоқ Сиз билан мазмунли ва самарали музокараларимизни мамнуният билан давом эттирган бўлардим. Ўша дамларни сабрсизлик билан кутаман ва Сизга бардамлик тилаб қоламан, Президент жаноблари.

**Георг КРУПП,**
**"Дойче Банк" бошқаруви аъзоси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Сизни 60 ёшингиз билан табриклайман!

Сизнинг ажойиб ғалабаларга тўла ҳаётингиз бизнинг барчамиз учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Сиз мени ўзингизнинг дўстингиз деб ҳисоблашингиздан ғоят фахрланаман.

Менинг оила аъзоларим ҳам бу ажойиб кунда Сизга йўллаётган барча эзгу тилакларимга қўшилади.

Камоли эҳтиром ила,

**КИМ У Жунг,**
**"ДЭУ" компаниялари гуруҳининг раиси**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларини муборак 60 йиллик юбилейингиз билан табриклайман.

Ўзбекистон Сиз жаноби олийлари раҳбарлиги ва бошқарувида янги ютуқларга эришавериши ҳамда мамлакатнинг тобора гуллаб-яшнашига ишончимиз комил.

Мэйбанк Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида, бироз бўлса-да, ўрин эгаллаганини ўзи учун шараф, деб билади. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланишига умидвормиз.

Энг эзгу тилаклар ила,

**Дато Муҳаммад Вазир ибн АҲМАД,**
**Мэйбанк раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Сиз 60 ёшга тўлган бу муборак кунда ўзимнинг энг самимий табрикларимни йўллайман.

Биз "Токио-Мицубиси" банки аҳли мамлакатимиз билан Сиз раҳбарлик қилаётган мамлакат ўртасидаги ўзаро фойдали муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун ҳар доим бор кучимизни сарф этишга ҳаракат қиламиз.

Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва келгусида улкан муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Тасуке ТАКАГАКИ,**
**"Токио-Мицубиси" банки бошқаруви раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан энг самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз. Мамлакатингиз мустақиллик йилларида Сизнинг доно раҳбарлигингизда эришган улкан муваффақиятлар бизни астойдил қувонтиради.

Сизнинг Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашингизни ҳамда уни мустаҳкамлашга қаратилган шахсий саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз. Бу ҳамкорликка Сиз жаноби олийлари 1994 йил май ойида Японияга расмий ташриф буюрган пайтингизда асос солинган эди.

Республикангиз кейинги йилларда эришган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муваффақияти Сиз танлаган йўл тўғри эканига бизни ишонтиради ҳамда Ўзбекистон яқин орада жаҳон ҳамжамиятининг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига ишонч уйғотади.

Сизни ишонтириб айтамизки, биз бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун бор кучимизни сарфлаймиз.

Жаноби олийлари, Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг дўст халқига эса бундан-да равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Наохико КУМАГАИ,**
**Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония қўмитаси раиси,**
**Мицуи ва КО лимитед раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент,

Сизни 60 йиллик юбилейингиз билан Британия Кенгаши номидан табриклашга рухсат бергайсиз. Шунингдек, бу имкониятдан фойдаланиб, Сизга ва Ўзбекистон халқига келгусида янги-янги ютуқлар, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишини тилайман.

Британия Кенгаши ўз навбатида ўзбекистонлик иқтидорли ёшларнинг "Умид" жамғармаси йўли билан Буюк Британияда таълим олишига кўмаклашиш имкониятига эга бўлганлигидан мамнундир. Ўзбекистон Президенти 2000 йилгача мўлжаллаб илгари сурган мақсад ва вазифаларни ана шу ёш талабалар ҳам ҳаётда рўёбга чиқаришига ўз ҳиссаларини қўшади, деган умиддаман.

Ўтган йилнинг октябрида мамлакатингизга бориш шарафига муяссар бўлган эдим. Келгусида ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янада равнақ топишига ишончим комил.

Камоли эҳтиром билан,

**Мартин ЯКОМБ,**
**Маданият, таълим, фан ва техника соҳасида Буюк Британия билан хорижий мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш Британия Кенгашининг раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

60 ёшга тўлишингиз муносабати билан юбилейингиз нишонланаётган шу шонли кунда Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва тинчлик тилайман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Марказий Осиёдаги энг нуфузли давлатлардан бири бўлган Ўзбекистонда АББ компанияси фаолиятини қўллаб-қувватлаётганингиз учун миннатдорлигимни изҳор этаман. Гўзал мамлакатингиз бундан буён ҳам равнақ топишини истаб билдирган тилакларимни қабул этгайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

**Перси БАРНЕВИК,**
**АББ компанияси директорлар кенгашининг раиси**

## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

*Азиз ватандошларим, юртдошларим!*

*Муҳтарам дўстлар!*

***Таваллудимнинг 60 йиллиги муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат кўрсатиб, узоқ-яқиндан табрик, хат ва мактуб йўллаган давлат раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳаллалар ва жамоалар, барча юртдошларим ва ватандошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.***

***Шаънимга айтилган эзгу тилакларни, аввалambor, Ўзбекистон халқига ва давлатимизга бўлган эҳтиром, мамлакатимиз истиқболига ишонч деб биламан.***

***Мени ўстириб вояга етказган, етакчилик масъулиятини ишониб топширган, янгиланаётган ҳаётнинг оғир юкини елкасида кўтариб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб ишга азму қарор қилган меҳнатсевар, бағри кенг, оқибатли халқимга фарзандлик меҳримни изҳор этаман.***

***Мактубларда акс этган ҳароратли сатрлар, уйғоқ фикрлар халқимизнинг ўткир заковатидан, қалби нақадар гўзал ва бой эканлигидан далолат. Бундай донишманд халқ ҳар қандай эъзозга, энг ёруғ тақдирга ва иқболга муносибдир.***

***Азизлар!***

***Барча-барчангизни бағримга босиб айтадиган ягона тилагим шуки, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин! Кексаю ёш барча ватандошларимизнинг умрини ва бахтини берсин! Яратганимиз ўз паноҳида сақласин.***

**Ислом КАРИМОВ.**

## ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Шу йил 1 февраль куни Тошкент вақти билан соат 2 дан 30 дақиқа ўтганда "Шаттл-Эндевер" космик кемаси Канаверал бурнидаги (Хьюстон) полигонга эсон-омон қўнди.

Карантин тадбирлари амалга оширилганидан кейин куннинг иккинчи ярмида экипажни НАСА раҳбарияти билан таништирув маросими бўлди. Сўнгра уларга қисқа муддат мобайнида яқинлари ва кутиб олувчилар билан учрашишга ижозат берилди. Космонавт Солижон Шариповни отаси, рафиқаси, акаси ҳамда академик Ш.Воҳидов кутиб олишди. Бу учрашувдан сўнг космонавтлар кейинги тиббий назорат ҳамда дам олишга жўнаб кетишди.

Парвоз муваффаққиятли якунланганидан сўнг космонавт Солижон Шарипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йўллади.

**(ЎзА)**

**Президентга мактуб**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Мен, Шарипов Солижон, америкалик астронавт касбдошларим билан коинотга "Шаттл-Эндевер" космик кемасида учгандан кейин Ерга соғ-саломат қайтиб тушдим.*

*Мен ва умр йўлдошим ўзбек оиласида — Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида туғилиб ўсганмиз. Коинотга учиш тайёргарлигини Россия космонавтлар тайёрлаш марказида ўтдим.*

*Ўзбекистонда менинг кўпгина муҳтарам устозларим, яқин дўстларим, қариндошларим ва шогирдларим бор.*

*Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактабнинг ўқувчиларига коинот ва авиация соҳасидаги янгиликлардан сабоқ бераяпман ҳамда имконим борича мактабни видеофильмлар, қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва айрим асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам кўрсатмоқдаман. Бу ишда менга устоз ва касбдошларим — космонавтлар В.Жонибеков, Г.Стрекалов, Т.Мусабоев, Ю.Маленченко сидқидилдан ёрдам бермоқда.*

*Ўзбек олимлари ва мутахассисларининг коинот ва авиация соҳаларидаги ютуқлари ва салоҳиятидан хабардорман. Улар билан тез-тез учрашиш, илмий мунозаралар, дўстона мулоқотлар ўтказиш имконияти борлигидан ниҳоятда хурсандман ва ватандошларимнинг бой тажрибаларидан кундалик ҳаётимда фойдаланаман.*

*Мен мустақил Ўзбекистонимизнинг космонавтика ва авиация соҳаларида ҳам жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини ҳамда шуҳратига шуҳрат қўшилишини жуда истайман.*

*Бу мақсад йўлида Ўзбекистон фазогирлари билан ўзимнинг билимим ва бор тажрибамни баҳам кўришга доим тайёрман.*

*Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Сизга Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнатиш ва ривожлантириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, муваффақият тилайман. Барча ишларингизда доимо омад Сизга ёр бўлсин!*

*Эҳтиром билан,*

**Солижон ШАРИПОВ,**
**космонавт.**
**Хьюстон,АҚШ.**

## БАРҚАРОРЛИК ВА ЖЎШҚИН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

**Президент Ислом Каримовнинг янги ислоҳотчилик ғоялари**

**Меҳмон Ғафарли**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон жамиятини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари баён қилиб берилган "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби тақдимотидан сўнг бир ҳафта ўтганига қарамай, муаллифнинг ғоялари Ўзбекистон ва Россия матбуотида ҳамон муҳокама қилинмоқда. Китоб хусусида билдирилган фикрларга қараганда, унда баён қилинган ғоялар Россиянинг етакчи иқтисодчилари орасида юқори баҳоланди. Муаллиф ўз асарида олға сурган ғоялар Россияда ислоҳ қилиш жараёнларини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан идрок этиш нуқтаи назаридан муайян даражада жозибалидир.

Ўзбекистон давлати бошлиғининг ислоҳотчилик ғояларининг муваффақияти Президент Каримовнинг бир вақтнинг ўзида ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи иқтисодчи экани билан боғлиқ. У шахс сифатида ҳам, новаторлик ғояларини олға сураётган давлат арбоби сифатида ҳам эътиборга лойиқ. Бу ғояларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда мамлакатнинг ўзидагина фойдаланиш учун мақбул бўлиб қолаётгани йўқ. Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши бошқа собиқ совет республикалари учун намуна бўлиши мумкин. Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши таназзули арзимас даражада бўлгани, МДҲ мамлакатлари орасида ҳаммадан олдин айни Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга эришилгани бунга далил бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШнинг "Кейс" корпорацияси директорлар кенгашининг Раиси Жан-Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2 февраль куни Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашди.**

Учрашувда Ўзбекистон корхоналари билан "Кейс" корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, хусусан, қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш, таъмирлаш ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашилди. Бу борада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари аниқланиб, ўзаро ҳамкорликнинг келажакдаги устувор йўналишлари белгилаб олинди. Шунингдек, мулоқот чоғида "Кейс" тракторларининг айрим бутловчи қисмларини Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқариш, "Кейс" техникасига хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш ҳамда трансмиссияга доир қатор таклифлар илгари сурилди ва муҳокама этилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида томонлар барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни давом эттириш тарафдори эканликларини баён этдилар.

* * *

Шу куни делегация аъзолари "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг"компаниясида ҳам бўлди.

Суҳбат чоғида бошқарув раиси Р.Матжонов меҳмонларга мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, қишлоқ хўжалик техникасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда компания фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Американинг "Кейс" корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА**

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Кеча Олий Мажлис Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Изидор Кочмарик олиб борди.**

Йиғилишда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун ва Олий Мажлиснинг «Айрим корхоналар ва мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарорининг Бухоро вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Текшириш хулосаларида қайд қилинганидек, вилоятда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган. Қонунни ҳаётга татбиқ этиш ишлари хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисида ишлаб чиқилган ҳудудий дастур асосида олиб борилмоқда.

Олий Мажлиснинг «Айрим корхоналар ва мол-мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши лозим бўлган 420 объектдан 1996 йилда 112, 1997 йилда эса 32 таси хусусийлаштирилган. Улар орасида Пармалаш ишлари бошқармаси, «Газавтоматика» заводи, Бухоро иссиқлик тармоғи корхонаси, бир қатор соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат масканлари бор. Қонун қабул қилингандан буён хусусийлаштириш натижасида мулкчиликнинг турли хил кўринишидаги 2472 та корхона ва ташкилот юзага келди. Вилоятда мулкдорлар синфи шаклланмоқда.

Шу билан бирга, текшириш давомида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Вилоятда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар баъзи ҳолларда қонун талабларига жавоб бермайди. Натижада, айрим соҳаларда хусусийлаштиришдан кўзланган мақсадга эришилмаяпти. Баъзи корхоналар зарарга ишлаяпти, уларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори пасайган. Ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида ишлаб чиқарилаётган 60 хил асосий маҳсулотнинг 30 турини ишлаб чиқаришда пасайишга йўл қўйилган.

Шунингдек, йиғилишда қўмитанинг 1997 йилги иш фаолияти ва 1998 йилги иш режаси тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДЕНГИЗ ПОРТЛАРИГА ЙЎЛ

## Бу йўл туфайли пахта толаси экспорти харажатлари анча камаяди

**Ўзбекистонда етиштирилган пахта хомашёси кўп йиллар давомида Россия, Украина ва Болтиқбўйидаги денгиз портлари орқали экспортга чиқарилар эди. Эндиликда денгиз портларига янги йўллар очилмоқда.**

Деярли икки йил муқаддам тузилган махсус ҳукумат комиссияси юкларнинг мамлакатимиздан Грузия Республикасининг Поти порти орқали жўнатилишини мувофиқлаштирмоқда. Ўзбекистон, Озарбойжон, Грузия ва Туркманистон ўртасида юкларни ўз ҳудудлари орқали Поти денгиз портига қадар бемалол ва бир маромда ўтказиш тўғрисида аҳдномага эришилди. Фороб-Туркманбоши-Боку-Поти темир йўл станциялари орқали экспортга жўнатиладиган юкларни Бухоро омборларида тўплаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинган. Шу муносабат билан бу ерда "Транс Уорлд Экспресс" қўшма корхонаси ташкил этилди ва у давлат рўйхатидан ўтказилди.

Қўшма корхона муассисларидан бири -"Бухороулгуржибиржасавдо" акциядорлик жамиятининг бош директори Қодир Жўраев бундай дейди:

— Бизнинг жамиятимиздан ташқари "Ўзташқитранс" хўжалик ҳисобидаги республика ташқи иқтисодий бирлашмаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Болгариянинг "ИВТ Со ЛТД" фирмаси қўшма корхонанинг муассисларидир. Қўшма корхонанинг низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бизнинг жамоамиз низом жамғармасига кўчмас мулк билан ўз улушини қўшди. Яъни, биз қўшма корхонага 10 минг квадрат метр усти ёпиқ омбор биноларини, 12 минг квадрат метр очиқ бетон майдонларини, шунингдек, 20 тонна юк кўтарадиган кранларни бердик. "Ўзташқитранс" Болгария фирмаси билан биргаликда Германияда ишлаб чиқарилган "Линда" юк ортиш машиналаридан тўрттасини ва қирқ тонна юк кўтарадиган "Калмар" ўзиюрар кранни сотиб олди. Шу тариқа Бухорода пахта толасини сақлаш, юклаш ва тушириш учун мўлжалланган яхши жиҳозланган омбор хўжалиги ташкил топди. Қўшма корхона акцияларининг 51 фоизи "Бухороулгуржибиржасавдо" қўлидадир.

Ҳозирги вақтда кўпгина хорижий ҳамкорлар бу истиқболли бизнесда иштирок этиш истагини билдирмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи ТАСИС-ТРАСЕКА дастури бўйича қўшма корхонага пахта толасини механик равишда юклайдиган ва туширадиган ускуналарни етказиб беришни таклиф қилмоқда. Бу ускуналарнинг қиймати деярли икки миллион экюни ташкил этади.

Шу пайтгача пахта толасини юклашдан олдин текшириш ва сертификациялаш ишлари Ильичевск, Находка, Рига, Клайпеда, Вентспилс ва бошқа хорижий портларда бажарилар, бу эса кўпгина валюта сарфланишига олиб келар эди. Эндиликда ҳамма ишлар шу ернинг ўзида амалга оширилади, демак, маблағ ҳам тежалади. Бунинг яна бир фойдали томони бор: қўшма корхона фаолияти натижасида олинадиган қўшимча қиймат солиғи ва бошқа йиғимлар ҳисобидан Бухоро вилоятининг бюджети тўлдирилади.

Экспортнинг янги йўли юкларни фақат Потига эмас, Эрондаги Аббос портига, Туркиядаги Мерсин портига ҳам юбориш имконини беради. Бозор шароитида бу имконият портлар ўртасидаги рақобатдан фойдаланиб, порт ва транспорт хизматлари ҳақини камайтиришга йўл очади.

...Ҳозир "Транс Уорлд Экспресс" қўшма корхонаси омборларида Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги шартномалари бўйича сотиб олинган 11 минг тонна пахта толаси тўпланган. Яқинда Туркиянинг автотранспорт компаниялари пахта толасини Мерсин портига таший бошлади.

Бухоро терминалида экспорт қилинаётган юкларга ҳужжатларни расмийлаштиришни осонлаштириш мақсадида эксперт органлари ташкил қилинди. Унда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари бор.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

*Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, дейдилар. Гарчанд «Наврўз» жамоа-ширкат хўжалигига қарашли сут-товар фермаси Касби туманидаги юқори кўрсаткичли жамоалардан ҳисобланса-да, бу муваффақият ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Катта меҳнат муаммоларининг оқилона ҳал қилиб борилиши қувонарли натижаларга олиб келди. Ҳозир бу ерда 655 бош қорамол бор. Ўтган йили фермада гўшт ва сут топшириш режалари ортиғи билан уддаланди.*



***СУРАТДА:** илғор сут соғувчилар Замира Холматова ва Дилафруз Холмуродова.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

### ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# ҚИШЛОҚ ЭМАС, ШАҲАР ДЕЙСИЗ

Қизилтепа тумани маркази мустақиллик йиллари мобайнида тубдан ўзгарди. Янги қурилган маданий-маиший бинолар, музей ва истироҳат боғлари, усти ёпиқ ҳамда очиқ бозорлар бунга ёрқин мисол. Хўш, қишлоқлар-чи? Уларда инфраструктура шакли-шамойили кўзга ташланадими?! Шу мақсадда биз туманнинг бир қатор қишлоқларида бўлдик.

Тан олиш керак, Варозун, Тавос, Ванғози, Бўстон, Деҳқонобод қишлоқларида табиий газ ва ичимлик суви масаласи узил-кесил ҳал этилган. Аҳоли замонавий турар-жой биноларида, ихчам, иссиқ, бежирим хонадонларда яшаб меҳнат қилмоқда. Айниқса, Зарметан, Тошработ қишлоқлари гўё шаҳарни эслатади. Зарметанда аллақачон хуторчиликка барҳам берилиб, маънавият-маърифат марказлари, шифохоналар, савдо ва тижорат шоҳобчалари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

«Тошработ» жамоа хўжалиги туманнинг шимолий қисмида жойлашган. Қарийб 25 минг аҳоли истиқомат қилаётган мазкур хўжаликда ҳар бир кўча, ҳар бир қишлоқ ўзига хос ва мос кўринишга эга. Уларнинг номлари ҳам тарих билан боғлиқ.

Бу ерда ҳозир Россия тадбиркорлари билан ҳамкорликда қурилган 2 та тикувчилик цехи ва йилига 1,5 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва заводи ишлаб турибди. Бунга яна ғишт заводи, оҳак куйдириш, кулолчилик цехларини ҳам қўшиш мумкин. Ушбу корхоналарда қарийб минг нафар киши меҳнат қилаяпти. Тез орада Ҳасанча, Бободўғи, Метан, Хўжаҳасан қишлоқларида ҳам кичик корхоналар қуриш мўлжалланаётир.

Тошработда, шунингдек, марказий универмаг, 5 минг кишига хизмат кўрсатадиган деҳқон бозори, мол бозори, «Нуроний» чойхонаси, Салим Каримов номли истироҳат боғи борки, уларга нафақат қизилтепаликлар, балки навбаҳорлик, конимехликлар ҳам ташриф буюришади. Айни чоғда дурадгорлик, заргарлик устахоналари, радиотелевизор тузатиш шохобчаси ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқ инфраструктурасини тўлиқ шакллантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Тўрақул Рўзиев. — Қўшимча иш ўринларини кўпайтириш, ёшларни турдош касбларга ўргатиш мақсадида ҳозирданоқ кичик сут заводи, ихчам оби-нон корхонаси қуришни бошлаб юбордик. Хом ғишт ишлаб чиқариш линияларини эса иложи борича ҳар бир участкада барпо этмоқчимиз. Бундан ташқари, бешиксозлик, сандиқсозлик, пичоқсозлик устахоналарини очишни ҳам режалаштирганмиз.

Бугунги кунда бу хўжаликда 3900 дан ортиқ хонадонда «зангори олов» ёнмоқда. Аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Тошработнинг ўзида туман газлаштириш идорасининг бўлинмаси очилган. Унда йигирма нафарга яқин ёшлар меҳнат қилишаяпти. Тоза ичимлик суви масаласи ҳам жамоада деярли ҳал бўлди. Икки йил давомида Бухоро-Жилвон ер ости сув ҳавзасидан 19 километрлик қувур ёткизилиб, оби-ҳаёт келтирилди. Натижада, хўжаликнинг ҳамма хонадонларидан водопровод суви оқа бошлади.

Хўжаликдан қайтар эканмиз, қишлоқларни ободонлаштириб, уларни шаҳарларга айлантираётган кишиларга таҳсинлар ўқиб, юқори инфратузилмага эга гўшалар янада кўпайишига тилак билдирдик.

**Музаффар ШАРОПОВ.**

### ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА

Сирдарё вилоятининг энг кенжа шаҳри — Бахтда янги қўшма корхона маҳсулот бера бошлади.

«Ўзқишхўжтаъминоттаъмир» Давлат кооператив қўмитаси, Бахт тажриба-синов механика заводи, Россия Федерациясининг «Техмашимпэкс» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти ҳамда Белорусь Республикасининг «Лидрузмаш» масъулияти чекланган акционерлик жамияти «Бахтқишхўжмаш» қўшма корхонасининг таъсисчилари бўлдилар.

# ЎЗИМИЗНИНГ БАХТНИКИ

Қўшма корхонанинг номиёқ у қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганидан дарак бериб турибди. Корхонада шудгорлашда ишлатиладиган қўш ярусли плуглар учун «ПЯШ-01.200» русумли лемехлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу эҳтиёт қисмнинг қишлоқ хўжалик техникасида қанчалик ўрни борлиги мазкур соҳа мутахассисларига беш қўлдек аён.

Қишлоқ хўжалиги ходимларини қувонтирадиган яна бир жиҳати шундаки, қўшма корхона ишлаб чиқараётган лемехлар нисбатан арзон. Уларнинг бир донаси 1400-1500 сўм атрофида белгиланган.

Қўшма корхонада ишни бор-йўғи 11 нафар ходим бажараяпти. Шулардан 9 нафари бевосита ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчилар. Ҳатто ижрочи директорнинг идораси ҳам айнан цехда жойлашган.

Кичик жамоанинг режалари катта. У тўла қувват билан ишлай бошласа — йилига 120 минг дона лемех ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Яна бир гап: қўшма корхона жамоаси кейинчалик «Ўзкейскорпорейшн» қўшма корхонаси машиналари учун ҳам лемехлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ниятида.

**Муҳаммад Али АҲМАД.**

**Она пичирлар эди.**

**«Оҳ, ҳали шундай тўй берайки, сурхондарёликман, деганнинг оғзи очилиб қолсин! Кўрасиз, ҳали қизим эслихушли, ой деса ойдай, элнинг олди бўлади, уйимнинг остонасидан совчилар аримайди. Насиб этса, икки кун қишлоққа ош бериб, қизимни ўзи суйган йигитга узатсам, армоним йўқ».**

Момо ширин орзудан энтикар, худди жажжигина қизи Баҳринисонинг никоҳ тўйи эртаиндин бўладигандек хурсандлигидан ўзини қўярга жой топа олмай қолган эди.

Афсус, ширин орзулар дарёсида сузган, бир дунё ниятлар шаробини ичган она давосиз касалликка гирифтор бўлиб, бу дунё билан хайр-хушлашди.

Қизлари эса... Ёруғ оламни кўришдан бенасиб бўлган — кўзлари ожиз отанинг қўлида қолиб кетди. Ҳали мурғаккина ниҳоллар меҳрибон қўлларнинг тарбиясига муҳтож . Айниқса, кичкинасига жабр бўлди. У олти ойлик чақалоқ эди-я.

Шўрчи туманида туғилган бу қизлар дастлаб Олтинсойдаги қариндошлариникида яшадилар. Аммо, мингта оғайнинг бўлсаям, битта ота-она ўрнини боса олмас экан. Онадан етим қолган опа-сингиллар — Барчиной, Баҳринисо болалар уйида туришга мажбур бўлишди.

Сўнгра, яна бир неча ойлардан кейин ногирон ота бағрига қайтиб келишди. Бахти очилганини қаранг, опаси турмушга чиқиб кетди.

Баҳринисо ўн уч-ўн тўрт ёшларда эди, шекилли. Бўйи анча чўзилиб қолди. Унга ҳатто битта- ярим йигитлар гап отадиган ҳам бўлди. Аввалига парво қилмади. Кейин эса... Севги деганлари шу бўлса керак-да, Жума деган йигит билан пана-паналарда учрашадиган, «бир-биримизсиз бу дунё зимистон», деб онт ичадиган бўлиб қолдилар. Негадир ўзи туғилиб ўсган қишлоқ одамлари бунга унчалик парво қилишмади. «Ҳозирги ёшлар бир-бирларини кўриб-билиб, ялаб-юлқаб, севиб турмуш қуришади-да», дейишди ҳазиллашиб айримлар. Улар ҳали ўн тўрт ёшли қиз билан йигитнинг ўртасидаги меҳр иплари унчалик мустаҳкам эмаслигини, кўп ўтмай узилиб кетишини, ёндираман, деб турган ҳирс олови эса худди баҳор чақмоғи сингари бир лаҳзалик эканлигини билишмас эди.

... Қиз кун сайин қорни дўппайиб бораётганлигидан хавотирда эди. У қишлоқда уялиб, одамларнинг юзига қандай қарашни билмай қолди. Ахир, ҳали бирор йигитга унаштирилмаган қиз бўлса... Халқ нима дейди? Бу уятсиз никоҳдан ўтмаган-ку, дейишмайдими? Шундай хаёлларга бориб холаси Зулхумор опаникига кетиб қолди. Ўша ерда кўзи ёриди.

Воқеа одамлар айтганчалик бўлмади. Кечагина «сенсиз бу дунё ҳаром» дея қизга соядай эргашиб юрган йигит кўп ўтмай олди-орқасига қарамасдан қочди — қаёққадир ғойиб бўлди.

Яқиндагина саккизинчи синф партасини тарк этган нимжонгина қиз эса... ўн олти ёшида бола эмизди, аллалади.

Бу аҳволни кўриб айримларнинг юраги эзилиб кетди. Наҳотки, бу қиз келинлик либосини кийишни, ёр-ёр садолари остида куёвникига узатилишини орзу қилмаган бўлса? Бошқа қизлар каби қариндошларга келин салом бериш насиб қилиши ҳам бахт эканлигини ўйламаган бўлса?

Никоҳсиз туғилган Мадина унинг кўзига худди азроилдай кўринар эди. Болам билан кимнинг уйига сиғаман, деган ўй онанинг елкаларини зил-замбил юк бўлиб эзғилар, уни икки ўт орасида қолдирган эди.

— Ҳе, жувонмарг, ўчир овозингни!

Кошки чақалоқ онаси қарғаётганлигини билса. Баттар чинқириб йиғлайверарди.

... Батош қишлоғида яшайдиган Чори аввал уйланган, аммо фарзанд кўрмаганлиги сабабли оила дарз кетган эди. Шу боисдан «майли, боласи бор экан», деб Баҳринисога оғиз солди.

Улар аввалига анча апоқ-чапоқ яшадилар. Кейин эса салкам бир ярим ёшга кирган қизча ортиқча юк бўлиб туюлаверди. Шунинг учунми, онаси ҳар жаҳли чиққанда:

— Овозинг ўчсин сен ҳароминнинг! — деб чинқирар, ҳали эс-ҳушини англаб етмаган болакай эса шанғиллаган товушдан қалт-қалт титрар, «шу ўзи туққан онаммикин?» дегандек кўзлари жавдирарди.

Лекин, буни қарангки, ўгай ота Мадинани қўярга жой тополмай қолди. Унга сидқидилдан меҳр қўйди. Бағрига босди.

Бу қизча етти ёт бегонанинг пушти камаридан бўлганлиги хаёлига келмайди. Доимо шу қизалоқнинг кўнглини овлашга, уни вақтида ювинтириб, овқатлантиришга ошиқади. Ҳатто қизча иштонини ҳўл қилиб қўйса, уни ювишниям ўзига ор деб билмайди.

Эр-хотин бир куни Жобу қишлоғидаги оғайнилариникига боришди. Мақсади, болани Зулхумор холага топшириш эди. Аммо, негадир уларнинг бу нияти амалга ошмай қолди. Энди нима қилиш керак?

Аёл йўлда кетар экан, унинг ичига бир мушук кириб олгану, сира ором бермаётгандек типирчилаб қолган эди. «Бу дардисарни қаёққа гумдон қилсам экан? Холам боқа олмаса... Кимга топширганим дуруст? Бирданига баҳридан ўтиб юборсаммикин? Менга ипсиз тушов, бахтим очилиб кетишига тўсиқ бўлаяпти бу шўринг қурғур ...»

Улар йўлда сукут сақлаб боришар, гаплари чалакам-чатти,




сира қовушмас эди. Ҳатто арзимаган гап юзасидан ғижиллашиб қолишди.

Аёл эса жаҳл отига миниб олди. Отамникига қайтиб кетаман!

У айтганини қилди. Кўзига ҳеч нарса кўринмас, худди зимистон ичида бораётгандек қаҳрга тўла кўзларидан ёш қуйилар эди. «Болани олис-олисларга гумдон қилиш азоб. Ундан кўра мана шу чуқур, тўлиб оқаётган «Ҳазорбоғ» каналига...»

Ўзининг миясига туйқусдан келган фикрдан юраги орқага тортиб кетди. Бироқ боладан бутунлай қутулиш хаёли унга бир зум тинчлик бермаётган эди. «Нима қилай, болам, кечир гуноҳимни».

Унинг қўллари қалтирар, чинқириб йиғлаётган боланинг юзига қараёлмас, қизча эса худди онаси безор бўлганлигини англаган каби типирчилайверди.

Эй, худо, бу нима кўргулик? Кўзлари жавдираб турган шу болани бир умр тирноққа зор ўтаётган фарзандсизга раво кўрмасанг? Наҳот Баҳринсо, ўз боласини... яна тириклайин...

Аёлнинг аъзойи бадани безгак тутгандек қалтирай бошлади.

Сўнгра...

Ўзи туққан, бир неча соат аввал шодлигидан қиқирлаб кулган, эркаланиб, онанинг бўйниларига тармашган, кўзлари қувноқ боқувчи қизчасини худди кераксиз тош каби «Ҳазорбоғ» каналига отиб юборди.

Бу ҳолдан ларзага келгандек тўлиб, пишқириб оқаётган канал суви «шалоп» этди-да, яна шиддат билан оқишда давом этаверди.

Қаердадир қушлар чирқиради. Яна қаердадир худди ўғрига ҳамла қилаётгандек, итнинг қаттиқ вовуллагани эшитилди. Ё аёлнинг қулоқларига чалиндимикин? Боласи: «Вой она, вой онажоним!» дегандек ҳам бўлди.

Сўнгра эса...

Қулоқлари ҳеч нарсани эшитмай, кар бўлиб қолгандек туюлди унга.

Кейин...

Нима бўлганини ғира-шира эслай олади. Худди тентакдек, карахт ҳолда эди.

Анча вақт ўтгач, ўзини қўлга олди. Сўнг эрининг олдига қайтиб борди. «Мана энди, бутун ҳаётимни остин-устун қилиб юборган тавқулаънатлардан бир умрга халос бўлдим. Мана энди, мени ўйнашидан бола орттирган дегичларнинг тили тийилади. Мана энди, эрим билан тинч ва осуда ҳаёт кечираман. Мана энди...»

— Боланг қани?

— Таниш бир аёлникига ташлаб келдим.

У ёлғонни ҳам худди чиндай сўзлар эди.

Чори хотинининг гапига ишонгандек бўлди. «Балки бирор фарзандга зор оила бўлса, боқиб туриш учун бергандир-да».

Эртаси куни уйдагилар, опаси яна уни терговга тушди.

— Қизинг қани? Ҳозир топиб бермасанг...

Аёл оғайниларини бир қишлоққа бошлаб борди. Лекин, уларга боласини қараб туриш учун қайси уйга, кимга ташлаб келганлигини топиб бера олмади.

«Ҳазорбоғ» каналидан топилган қизчанинг мурдасини кўрсатишганида эса... У кўкариб ётган жонсиз болани кўриб йиғлашниям лозим топмади. Қандай тошбағирликки, она ўз фарзанди ўлигини кўриб туриб, кўзлари ҳатто намланмаса? Ҳеч бўлмаса «Эҳ болама, сени бундай кўйларга солиб нима қилар эдим-а?» дея бироз афсусланмаса.

— Ўз боласининг қотили Баҳринисо-ку, айбига яраша жазосини олди, — деди Олтинсой тумани прокурори Раимберди Хўжақулов. — Аммо, бу хунук аҳвол бирданига юз бермагандир?

— Баҳринисо Омонова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «Б» ва «Ж» бандларига асосан айбдор, деб топилди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди — дейди вилоят суди раиси муовини Чори Аллаёров. — Аёлни ҳалокатга олиб келган, жиноят кўчасига бошлаган омиллар кам эмас. Ана шу турлича сабабларни таҳлил қилиш, кенг шарҳлаш шу каби жиноятлар, нохуш воқеалар яна такрорланмаслиги учун катта сабоқ бўлишига аминман.

... Аёл бир ўзи кўзи ожиз отасиникида яшаган кунларни ҳамон дилда оғриқ билан эслайди. Жобу қишлоғи одамлари негадир унга, тақдирига бепарво қарашар, деярли барча ўз турмуш ташвишлари билан овора эди. Ахир, ҳали вояга етмаган қизни ўқитиш, тўғри йўлга солиш, унга насиҳатлар қилиш лозим эмасмиди? Қишлоқда ўнлаб қариялар, момолар ва кекса муаллимлар бор эди-ку!

Оқибат эса...

Бокира қиз номард йигитнинг тузоғига илиниб қолди. Ҳатто бир-бирига ошкора севги изҳор қилишганларида ҳам дашном берадиган бирор инсон топилмади. Қизиқ, ҳали ўн етти ёшга тўлмасданоқ, у икки кишининг турмуш ўртоғи бўлишга улгурган бўлсаю, бирор одам «ҳой, кўзингни оч!» демаса, бу қандай кўргулик? Ахир, улар яшаган жойда ҳам қишлоқ фуқаролар йиғини, ЗАГС каби идоралар бор эмасми?

Ҳалиям айрим қишлоқларда адашганларни тўғри йўлга солиш эмас, иложи борича уни ҳалокат жарига итариб юборишга мойил одамлар борлиги ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Эҳтимол, баъзилар аёлнинг никоҳсиз туғилган боласини бир неча марта кўзини лўқ қилиб юзига солгандир? Яна ким билади, дейсиз...

Бу ҳаёт отлиқ тубсиз, чегарасиз уммонда инсон зоти ҳамиша бир-бирининг ширин сўзига, меҳрига гадо бўлиб яшашини бир зум бўлсин унутмаслигимиз зарур. Кимдир ҳаёт йўлларида адашади, кимдир...

Яна саволлар тизилиб келаверади. Ҳали нимжонгина қўлчалари мажолсиз очилганча абадий уйқуга кетган, бир ярим ёшли гўдакнинг лаблари шу сўзларни пичирлаб айтганмикин:

— Мени ўлдирманг, онажон!..

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**












Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси маркетинг ва бизнес кафедраси профессори Мухтабар Насриддиновага турмуш ўртоғи **Шаҳобиддин НАСРИДДИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти жамоаси кекса ходим, иқтисод фанлари номзоди **Муҳаммадзариф АЗИМОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, биология фанлари номзоди **Тешабой ОДИЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиради.

А.С. Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтининг жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари номзоди **Мирҳосил АБДУРАҲМОНОВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат техника университетининг маъмурияти, касаба уюшма ташкилоти ва кон-геология факультетининг жамоаси «Кон-электромеханика» кафедрасининг мудири, техника фанлари номзоди, доцент **Шаҳобиддин НАСРИДДИНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Очиқ турдаги «Ўзбекфильм» акционерлик жамияти жамоаси корхона бўлим бошлиғи Маматжон Алимовга отаси, студиянинг собиқ кекса ишчиси **Ниғмат ота АЛИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# ФУТБОЛ ФИДОЙИЛИКДИР

**Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг бош котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Зокир Қурбонов билан мусоҳаба**



**—Зокир ака, VI мавсум тугаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Энди эса мамлакат янги чемпионати эшик қоқмоқда. Аввало, босиб ўтилган йўлга назар ташласак. Ўтган мавсумдан кўнглингиз тўлдими? 1997 йил мамлакатимиз футболи ҳаётида қандай из қолдирди?**

—Ўтган мавсум футбол мухлисларининг ёдидан чиқмаслигига шубҳа қилмайман. Илк бор жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида иштирок этдик. Дастлабки босқичда чиройли ўйинларимиз билан мухлисларимизни хурсанд қилдик. Уларда футболимиз келажагига умид уйғонди. Шу маънода бизнинг илк одимимиз бесамар кетмади, дейиш мумкин. Энг йирик мусобақа — саралаш учрашувлари Осиё футбол конфедерацияси тарихида илк бор ҳар бир мамлакатга кириб борди.

**— Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида биринчи марта қатнашиши ҳақиқатдан ҳам улкан воқеа бўлди. Футбол орқали мамлакатимизни сайёрамизнинг барча давлатлари яна бир бор таниди. Футболчиларимизнинг ана шу нуфузли баҳсдаги иштирокини қандай баҳолайсиз?**

— Футбол оламидаги бу йирик мусобақада бундан-да муваффақиятлироқ қатнашишимиз, ҳал қилувчи финал босқичига йўлланмани қўлга киритишимиз учун имкониятлар бор эди. Афсуски, тажриба бобида биз рақибларимизга ана шу имкониятларни бой бердик.

Биринчи босқичда рақибларимизнинг ҳолатини, тайёргарлигини жиддий таҳлил этдик. Ҳар бир ўйинга қаттиқ тайёрландик. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Фақатгина бир учрашувда дуранг ўйнаб, қолганларида ғалаба қозондик. Айтиш мумкинки, иккинчи босқичга осонгина йўл олдик.

Сўнгги босқичдаги учрашувлар Осиёдан қайсидир мамлакатда ўтиши керак эди. Аммо ФИФА қароргоҳидаги қуръа ташлаш маросимида биз учун кутилмаганда ўйинлар ўз майдонимизда ва сафарда ўтказилиши маълум қилинди. Бунинг эса ўзига яраша қийинчиликлари бор. Тўғри, қитъамиздаги энг кучли жамоаларнинг юртимизга ташриф буюриши футбол ишқибозлари учун нақадар қувончли. Аммо учрашувларни юқори савияда, ФИФА талабларига мос равишда ўтказиш учун озмунча меҳнат талаб қилинмасди.

Федерациямиз терма командамиз учун барча шароитларни муҳайё этди. Сафар учрашувлари давомида уларга зарур қулайликлар яратиб берилди. Аммо умумий натижа биз кутганчалик бўлмади. Францияга бизнинг гуруҳимиздан Корея ва Япония терма командалари борадиган бўлди. Тўғриси, тайёр имкониятни бой бердик. Футбол ишқибозларидан узримиз бор.

Бироқ бизга бу борада бошқа бир нарса таскин беради. Хиросимадаги муваффақиятдан сўнг (1994 йил) биринчи марта Ўзбекистон халқаро футбол федерациялари уюшмаси тасниф жадвалида энг кучли 80 та терма команда сафига кўтарилди.

**— Мамлакатимиз мустақилликка эришгунча бизни жаҳон футбол оламида ҳеч ким билмас эди. Дастлабки қадамларданоқ халқаро майдонларда ўз ўрнимизни топиб олишимизни исботладик. Шундан келиб чиққан ҳолда Осиё футбол конфедрациясининг мамлакатимизга нисбатан муносабати ўзгардими?**

— Сирасини айтганда, ўзбек футболи жаҳонга юз тутмоқда. Хиросимадаги ғалабаларимиз тан олинишимиз учун дастлабки одим бўлганди. Кейинги йилларда эса биз йирик мусобақалар ўтказиш борасида ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботладик. Марказий Осиё мамлакатлари орасида ОФК Ўзбекистонга алоҳида кўз билан қарайдиган бўлди. Энди нуфузли мусобақаларни, йиғинларни бизнинг мамлакатимизга ишониб топшираяпти. Ўтган йилнинг май ойида ОФК маъмурларининг ҳудудий семинари Тошкентда ташкиллаштирилди. Бу йил эса 16 ёшлилар ўртасидаги гуруҳ учрашувларини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи тушди.

**— Олтинчи миллий чемпионат мамлакатимиз тарихида бутунлай янги чемпионни кашф этди. Мусобақа охирги тургача барча ишқибозларни ҳаяжонда ушлаб турди. Ана шу учрашувлардан олган таассуротларингиз билан бироз ўртоқлашсангиз?**

— Ҳақиқатдан ҳам ўтган мавсум мухлису мутахассисларга олам-олам таассуротлар ҳадя этди. МҲСК командаси мавсумни кўтаринки руҳда ўтказиб, ғолибликни қўлга киритди. Улар кетма-кет 19 учрашувда бирорта ҳам очко йўқотишмади. Шу бугунга қадар Фарғонанинг «Нефтчи» командасини ҳеч ким бир йўла икки марта мағлубиятга учрата олмаган эди. МҲСК бу ишнинг ҳам уддасидан чиқди.

Кейинги йилларда тўпурарлик қобилиятини намойиш этиб келаётган Жафар Ирисметов эса ажойиб натижага эришди. У биргина мавсумнинг ўзида рақиблари дарвозасига ўттиздан ортиқ тўп киритди.

**— Олтинчи миллий чемпионатимиздан бошлаб олий лига командаларининг ўринбосарлари ўртасида ҳам биринчилик ўтказиладиган бўлди. Ушбу тадбир бундан кейин ҳам сақланиб қолинадими?**

— Ўринбосарлар ўртасида биринчилик ўтказиш ёмон натижа бермади. Худо хоҳласа бу тадбир янада давом эттирилади.

**— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигига ҳам икки йил тўлди. Ўтган муддат ичида уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Федерациямизнинг яқинда ўтказилган ижроқўми йиғилишидаги асосий масала ана шу тарихий қарорнинг ижросига бағишланди. Тўғриси, Вазирлар Маҳкамасининг 27-сонли қарори футболимиз равнақининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Қарордаги 21-банднинг 9 таси ўз муддатида тўлиғича бажарилди. Яна 11-банди бўйича вазифалар адо этилди ва бугунги кунда ҳам улар ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Бизни қувонтирадигани шуки, эртанги кунга замин қўйилди. Барча вилоят марказларида футбол интернатлари очилди. Жойларда футболга муносабат ўзгарди. Янги ўйингоҳлар барпо этилди. Борлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Мусобақалар кўпроқ ўтказилмоқда. Агар 1995 йилда республика мусобақалари сони 8 тани ташкил этган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 40 тага етди. Мамлакатимиздаги мавжуд 9545 та умумтаълим мактабларининг 8859 таси футбол майдонлари билан таъминланди. Бўлажак футболчиларга зарур анжом-жиҳозларни ўзимизда тайёрлаш бўйича ҳам силжишлар бор.

**— Мамлакат VII миллий чемпионати бошланишига ҳам қисқа фурсат қолди. Янги мавсумдан нималарни кутаяпсиз?**

— 1998 йилги мавсум биз учун янада масъулиятли бўлади. Терма жамоамиз XIII Осиё ўйинларида чемпионлик шарафини ҳимоя этишади. Бир сўз билан айтганда, биз мухлислар ишончини оқлашимиз, хорижлик мутахассислар Ўзбекистон ҳақида тўлқинланиб гапирадиган даражага етишимиз керак.

**Комилжон ЖУМАЕВ суҳбатлашди.**

ШИФОКОР МИНБАРИ

# ОГОҲ БЎЛИНГ: ХАВФЛИ!

**Менингококк инфекцияси — ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. Хасталикни қўзғатувчиси менингококк микробидир. Антиген ва менингококкнинг А,В,С, Д ва Е деб номланган бешта тури мавжуд.**

Касаллик манбаи — менингококк инфекциясининг ҳар хил тури билан оғриган беморлар ва менингококкни ташувчи соғлом кишилар ҳисобланади. Айниқса, касалликнинг назофарингит (бурун-ҳалқум яллиғланиши) тури билан касалланганлар юқумли бўлади.

Инфекция, яъни касаллик ҳаво-томчи йўли билан ўтади. Беморлар аксирганда, йўталганда ва гапирганда касалликни соғлом одамларга юқтиради. Касалликнинг юқумли даври 3-4 ҳафта давом этади, айрим беморларда бу давр 4-5 ҳафтага чўзилиши мумкин.

Менингококк касаллиги ҳамма ёшдаги одамларда, аксарият ҳолларда ёш болалар орасида кўпроқ учрайди.

Бурун, ҳалқум шиллиқ пардаси инфекциянинг организмга кириш йўллари ҳисобланади. Менингококк бу ерда ривожланиб, ўткир назофарингитни вужудга келтиради. Баъзан менингококк қонга ўтиб, қон оқими билан мия пардаларига етиб боради ва йирингли яллиғланишни (менингитни) келтириб чиқаради.

Менингококкцемия хасталигида эса менингококклар қон орқали бутун организмга тарқалиб, қон томирларини, буйрак усти безини, кўз пардасини, бурунларни ва бошқа аъзоларни шикастлантиради.

Менингококк инфекциясининг клиник турлари бўйича қисқача ахборот бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўткир назофарингит — бунда беморларда бош оғриши пайдо бўлади. Бош оғриғи бош айланиш билан кечади, томоқ оғрийди, тана ҳарорати 38-38,5 даражага кўтарилади. Ҳарорат 3-5 кун давом этади. Бундай беморлар тезда шифокорларга мурожаат қилишлари керак. Акс ҳолда касаллик зўрайиб менингит турига ўтиши мумкин.

Менингитнинг яширин даври эса 2-3 кундан 10 кунгача давом этади. Хасталик титраб-қақшаш билан бошланади. Ҳарорат тез орада 39-40 даражагача кўтарилади, бош қаттиқ оғрийди, айланади, бемор тез-тез қусади. Ёш болаларда бунга қўшимча талваса тутиши мумкин. Тери гиперестезияси — тери қопламининг оғриқдан безиллаб туриши, ёруғлик ва товуш таъсирларига ўта сезгирлик, лабда учуқ (герпес) пайдо бўлиши мумкин. Шу куннинг охирига бориб мия пардаси яллиғланиши аломатлари сезилади. Бемор ўзига хос ҳолат олади. Бошини орқага ташлаб ва қорнини тортиб ётади. Менингит, айниқса, 1 ёшгача бўлган беморларда жуда оғир кечади.

Менингококкцемия эса соппа-соғ юрган одамларда тўсатдан бошланади. Беморда бир неча соат ҳарорат кўтарилиб кетади, титраб қақшайди, боши айланади, мускуллари оғрийди, мажолсиз ҳолга келади. Касаллик бошлангандан 10-15 соат ўтгандан сўнг терига жуда кўп юлдузсимон тошма тошади, уларнинг сони соат сайин кўпайиши мумкин. Рангида кўкариш кучаяди, бемор ҳансираб қолади, қон босими тушиб кетади, томири тез-тез уради, кўп ўтмай сезилмай қолади, пешоб ажралиши камаяди. Агар бемор тезда шифокорга мурожаат қилмаса, кўнгилсиз ҳол юз бериши мумкин.

Менингит ва менингококкцемия билан оғриган беморларга пенициллин, левомицетин-сукцинат, ампиокс каби дорилар буюрилади. Агарда беморда менингококкцемия бўлса, левомицетин-сукцинат билан даволаш мақсадга мувофиқдир. Антибиотиклар билан 8-10 кун даволаш лозим. Ундан ташқари, бемор томирига 5 % глюкоза, Рингер эритмаси, реополиглюкин, гемодез ва касалликнинг жуда оғир турларида гормон (преднизолон, гидрокортизон) берилади. Беморлар қанча эрта касалхонага ётқизилса, шунча тез тузалади.

Менингококк инфекциясининг олдини олишда, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва беморларни алоҳида ажратиб қўйиш, тезда шифохонага ётқизиш, бемор билан мулоқотда бўлган одамларни шошилинч тарзда клиник ва бактериологик текширувдан ўтказиш асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда менингококк инфекцияси касаллигига қарши вакциналар ишлаб чиқарилган. Бу вакциналар эпидемиологик вазиятга қараб эмлаш учун ишлатилади.

**Ҳайитбой ЛАТИПОВ, республика саломатлик маркази бош шифокори.**


SIEMENS NIXDORF




Германияда № 1 —
Siemens Nixdorf шахсий компьютерлар бозорида пешқадам:
бизнес-компьютерлар борасида Intel-SCENIC Pro асосида, ишчи станциялар борасида Intel-SCENIC Celsius асосида, серверлар борасида Intel Pentium® II Processor ёки Pentium® II Processor with MMX™ Technology процессорлари негизига асосланган Intel-PRIMERGY асосида етакчи.
Бизнинг Европа PC бозоридаги савдомизнинг ўсиши 52 фоизни ташкил этади. Худди шунингдек, SCENIC Celsius 1000 ишчи станциямизнинг тезлиги ҳам тенгсиздир.
Сизга қандай ёрдам беришимиз мумкин?
Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг:
132-03-14 ёки 40-67-50.
Бизнинг манзил: 700000, Тошкент,
А. Толстой кўчаси, 23-уй.

Шахсий компьютерлар ва серверлар

Siemens Nixdorf: User Centered Computing


ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

## АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

**Швейцариянинг Давос шаҳрида халқаро ишбилармон доиралари вакиллари ва кўплаб мамлакатлар раҳбарларининг анъанавий анжумани бўлиб ўтди. Кун тартибидаги 70 дан зиёд масала атрофида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Меҳнат ресурслари тақсимоти, регионал иқтисодий сиёсат, сармояларни кафолатлаш, минтақавий хавфсизлик сингари муаммолар анжуман иштирокчилари диққат марказида бўлди.**

## ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

Бутун дунё оммавий-ахборот воситалари хабарларида Ироқ атрофидаги вазият яна биринчи ўринга чиқди. Чунки АҚШ Ироқ атрофида вужудга келган вазиятни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти тугади, деган фикрга келиб, ушбу мамлакатга ҳарбий, хусусан, атом зарбаси берилиши мумкинлигини билдирди. Албатта, Ироқ оммавий қирғин қуроли ҳисобланган бактериологик қурол ишлатсагина, унга нисбатан атом бомбаси қўлланилади, деб жаҳон жамоатчилиги бироз бўлса-да тинчлантирилди. Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлар бошлаш тўғрисидаги қарорини ҳозирча фақат Англия қўллаб-қувватлаган.

## САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

**Филиппин пойтахти Манила шаҳридан ҳавога кўтарилган йўловчи самолёти 3 минг метр баландликка кўтарилганидан сўнг, тўсатдан ерга қўнишга рухсат сўраган ва шундан кейин самолёт билан алоқа узилиб қолган. Ҳавога кўтарилган қидирув вертолётлари дастлаб кузатув радаридан ғойиб бўлган самолётни топишолмаган. Энг сўнгги хабарларга қараганда, ҳалокатга учраган самолёт қолдиқлари топилган. Самолёт бортида 99 нафар йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси бўлган.**

## «ҚУЛЛАР» ОЗОД ҚИЛИНДИ

XXI бўсағасида Россиянинг Олтой ўлкасидаги бир гуруҳ фермерлар ва жиноятчи унсурлар қулдорлик тўзумини қайта тиклашган. Улар шаҳардан иш қидириб юрган ўнлаб одамларни алдаб олиб келиб, ўз хўжаликларида қулларча ишлатишган. «Қуллларга» иш ҳақи тўланмаган, қаровсиз совуқ уйларда кўрпа-тўшаксиз ётишга мажбур қилишган. Озиқ-овқат ўрнига ювинди беришган. Ишдан бош тортганлар шафқатсиз равишда жазоланган. Ҳатто Тюмень шаҳридан жаллод-киллер ёллашиб, бош кўтарган ўн нафар «қул»ни отиб ташлашган. Фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг аралашуви туфайлигина Россиядаги энг сўнгги «қулдорлик империяси» тугатилди.

## ТЕРРОРЧИНИНГ ХУРУЖИ

**Доғистоннинг Бўйноқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм номаълум террорчи томонидан ўққа тутилган. Навбатчи зобит террорчига жавоб ўқи узиб, уни ярадор қилган бўлса-да, у яширинишга улгурган. Отишмада бир нафар ҳарбий хизматчи ҳам яраланган. Маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг айтишича, террорчи ваҳобийлар диний гуруҳи аъзоси экан.**

**Хориж оммавий-ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0903, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.50 1 2 3 4 5 6